Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 13 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 34 (7031)

Da'vat

Мақсади улуғлашган сари одам ҳам улуғлашиб боради.

Ф. Шиллер

Ibrat

Боғдод туманидаги 40-ўрта мактаб баҳорги таътил давридаёқ янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди. Илм маскани таъмирига туман ҳокимлиги, «Пахтакор» ширкатлар уюшмаси, туман нон маҳсулотлари корхонаси, «Мустақиллик» ҳиссадорлик жамияти сингари ташкилотлар ва ота-оналар бегараз ёрдам бердилар.

- **Хитой Халқ Республикасига расмий ташриф билан кетаётган Болгария Республикаси Президенти Пётр Стоянов Тошкентда тўхтаб, Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов билан савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни кенгайтириш хусусида фикр алмашишди.**

- **Вашингтондаги Смитсониян музейлари мажмуасининг Артур М.Саклер галереясида Гвидо Голдманнинг «Икат: Марказий Осиё нафис ипаклари» коллекцияси кўргазмаси очилиши маросими иштирокчиларига АҚШ Президенти Билл Клинтон самимий тилаклар битилган табрик хати йўллади.**

JUMLADA JAHON

- **Чеченистон ички ишлар вазири Казбек Махашовнинг баёнотига кўра Чеченистонда сирли тарзда ғойиб бўлган Россия Президенти вакили Валентин Власов тирик, соғ-саломат, Чеченистондан четга олиб чиқиб кетилмаган.**

- **Украина пойтахти Киевда бўлиб ўтган Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки ижроия кенгаши йиғилишида мазкур банкнинг Украина ва бошқа Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодий ривожланишига кўрсатаётган ёрдамлари ҳамда кредит маблағларини янада ошириш масалалари муҳокама қилинди.**

- **Лондонда дунёнинг тараққий этган саккиз давлати ташқи ишлар вазирларининг учрашувида шу йилнинг 15 май куни Бирменгемда бўлиб ўтадиган «катта саккизлик» давлатлари бошлиқларининг навбатдаги анжуманига тайёргарлик ишлари кўриб чиқилди.**

- **Касалманд болалар соғлигини қайта тиклаш мақсадида Ироққа АҚШ асосан дори-дармонлардан иборат бўлган 4 миллион АҚШ долларига тенг инсонпарварлик ёрдами жўнатган.**

Rasmiy bo'lim

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ МЕЗОНИ

Дини бир, дили бир, урф-одатлари уйғун халқларнинг ўзаро ҳамкорликлари юксак самаралар бериши, шубҳасиз. Фақат бу ҳамкорликларнинг асосий мезони амалий ишлар бўлиши даркор. Шу боис ҳам, юртбошимиз ҳар қандай халқаро ташкилотлар фаолиятига баҳо берар эканлар, аввало, бу ташкилотлар олиб бораётган ёки олиб бориши лозим бўлган амалий ишларга катта эътибор қаратиши, бежиз эмас.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 10—11 май кунлари Алмати шаҳрида бўлиб ўтган ЭКО — Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бешинчи учрашувида сўзлаган нутқида ҳам, мазкур ташкилот фаолиятининг асосий мезони амалий ишлар бўлиши лозимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Маълумки, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотини дастлаб Эрон, Покистон ва Туркия давлатлари биргаликда ташкил этган эди. 1992 йили Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Афғонистоннинг қўшилиши билан мазкур ташкилотнинг ҳудудий қамрови кенгайди ва унга аъзо бўлган давлатларнинг иқтисодий, маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиши учун қулай имкониятлар туғилди.

ЎзА хабарига кўра, ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида, саммит қатнашчилари — Афғонистон, Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Туркманистон давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, шунингдек, ЭКО бош котиби ҳамда бир неча халқаро ташкилотлар вакилларининг нутқ ва маърузалари тингланди.

Нотиқлар ЭКО доирасидаги ҳамкорлик бераётган илк самаралар ҳақида тўхталиб, минтақа мамлакатларининг иқтисодиёт, маданият, коммуникация соҳаларида биргаликда амалга оширилажак лойиҳалари тараққиётимизни тезлаштириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар. Ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш йўлларини муҳокама қилдилар.

Саммит қатнашчилари минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, ЭКОнинг келгуси фаолиятини такомиллаштириш йўллари белгиланган Алмати Декларациясини тасдиқладилар. Шунингдек, аъзо мамлакатлар ўртасида юк ташиш борасидаги тўсиқларни бартараф этишга, контрабандага қарши биргаликда курашишга қаратилган ҳукуматлараро ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

«МАЪРИФАТ» ШАРҲЛОВЧИСИ

Галлаорол туманидаги «Бойчечак» болалар боғчасида айни кунда 180 нафар кичкинтойга тарбия берилмоқда. Шу билан биргаликда бу ерда болажонларнинг ўйнаб-ўйнаб ўрганишлари, таълим олишлари учун ҳам барча шароитлар муҳайё этилган.

СУРАТДА: боғча тарбиячиси Шохсанам Маҳмудова болалар билан қизиқарли машғулотлар пайтида.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Xalqaro olimpiada—98

БИШКЕК БЕЛЛАШУВИ ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Кимё фани бўйича Бишкек шаҳрида 1—10 май кунлари бўлиб ўтган XXXII Халқаро Менделеев олимпиадасида уч нафар ўқувчимиз — республика олимпиадаси совриндорлари, Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги ўғил болалар ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Абдулатиф Азизов, Самарқанд ўғил болалар ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Хайрулло Ҳамидов ва Бухоро Давлат университети лицейи ўқувчиси Музаффар Шариповлар иштирок этдилар. Унда Литва, Латвия, Грузия мамлакатлари вакилларидан ташқари бошқа барча давлат ўқувчилари совринли ўринлар учун уч турда ўзаро баҳслашдилар.

Албатта, халқаро олимпиада топшириқлари шартлари осон бўлмайди. Унинг назарий қисмига мураккаблаштирилган масалалар, амалий таҳлиллар турига эса моддалар таркиблари ва концентрациялашувига доир жиддий лаборатория ишлари танлаб олинади.

— Бу синовларда ўқувчиларимиз бутун куч-имкониятларини ишга солишди, — деди командамиз раҳбари, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети органик кимё кафедраси доценти Ҳабибулла Тожимуҳамедов. — Натижада икки нафар ўқувчимиз — Абдулатиф Азизов ҳамда Хайрулло Ҳамидовлар халқаро олимпиаданинг III даражали дипломлари билан тақдирланишди.

— Мен Москвада МДУ Кимё факультетида ўқишимни давом эттиришни ният қилганман, — деди Хайрулло Ҳамидов. — Халқаро олимпиада совринли ўрин дипломи хоҳлаган давлатда таълим олиш имтиёзини берар экан. Фақат у ерда ўқишим учун ҳомий топишим керак.

Дарвоқе, бу сафар ўқувчиларимизга Ўзбекистон Кимё жамияти (раис муовини Севара Икромова) ҳомийлик қилди, барча сарф-харажатларга пул ажратди.

Очиғи, айни кунда истеъдодли, иқтидорли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаётган жамоалар, фидойи инсонлар саховатлари ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ. Чунки улар сарфлаётган маблағлар эртага ўзимизга, элимизга ўн баравар бўлиб қайтади. Алалхусус, илм равнақ топсагина эл фаровон яшайди, буюк келажакка замин яратилади.

Сирасини айтганда, ўқувчиларимизнинг халқаро беллашувда муносиб ўрин олишлари барчамизнинг қалбларимизга ғурур туйғусини олиб кирди. Мустақил юртимизга бир олам қувонч олиб келган иқтидорли ўқувчиларимизни биз ҳам самимий қутлаймиз.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Раис жаноблари,

Муҳтарам Бош котиб жаноблари,

Давлат ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари,

Бу ерда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларини қутлаш ҳамда ҳамкорликдаги ишимиз халқларимиз ва давлатларимиз равнақи йўлида самарали бўлади, деб ишонч билдириш менга улкан мамнуният бахш этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудуди ноёб геостратегик макон бўлиб, бой маданий мерос, қадимий цивилизация ва гўзал анъаналарга эга.

Кўпгина мамлакатлар минерал ресурслар ва энергетик хомашёнинг мавжуд ҳажми, транзит инфратузилма барпо этиши имкониятлари бўйича минтақадагина эмас, бутун дунё миқёсида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликнинг ўтган олти йили мобайнида маълум шарт-шароитлар, зарур ҳуқуқий ва меъёрий асос барпо этилди, минтақадаги мамлакатлар тараққиёти учун муҳим аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш имконини берадиган сезиларли тажриба тўпланди.

Айни пайтда шуни очиқ эътироф этишимиз лозимки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақа учун жуда зарур бўлган лойиҳа ва дастурларни мантиқий якунига етказиш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ҳар бир аъзоси бу лойиҳаларнинг самарадорлиги ва аҳамиятини ўз миқёсида ҳис этишига имкон берадиган ҳамкорлик жипслашуви даражасига чиқа олгани йўқ. **Назаримизда, бундай шароитда, саъй-ҳаракатларнинг ҳаддан ташқари майдалашиб кетиши Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида қўлланиладиган ташаббусларнинг самарадорлиги ва натижа беришини сусайтириб қўйиши мумкин.**

Шу муносабат билан **биз ҳозирги босқичда Ташкилотнинг кўплаб институт ва тузилмаларини барпо этишга зарурат йўқ, деб ҳисоблаймиз.** Улар келажакда бизнинг эътиборимиз, имкониятларимиз ва саъй-ҳаракатларимизни ҳозирги пайтда минтақамиз учун ўта муҳим ва устувор бўлган асосий дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратиш ўрнига, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг туб мақсад ва вазифаларидан **чалғитиши** мумкин.

Биз шунга чуқур аминмизки, бугунги кунда биргаликда истиқомат қилишимиз ва қўшничилигимизнинг мавжуд ҳолатини, яъни минтақамиздаги айрим мамлакатларда узоқ йиллар мобайнида халқларимиз ва давлатларимизга, **минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлашга тузатиб бўлмайдиган даражада зиён етказаётган қарама-қаршилик ва урушлар туфайли туғилган кескин муаммоларнинг ҳал этилмаганини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.**

Ҳамкорлик истиқболлари ҳақида гапирар эканман, мен **коммуникациянинг замонавий, ривожланган тизимини шакллантириш масалаларига алоҳида тўхталишни истар эдим.** Чунки, бундай коммуникацияни шакллантирмай туриб, минтақадаги улкан иқтисодий салоҳиятдан халқларимиз равнақи йўлида **фойдаланиб бўлмайди.**

Анжуманда иштирок этаётган барча давлатлар **транспорт тармоғи ва коммуникацион инфратузилма** қурилиши минтақани, нафақат бизнинг минтақамизни ривожлантиришда нақадар улкан аҳамият касб этишини яхши билишига аминман.

Шу муносабат билан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг ўтган йил май ойида **Ашгабатда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақасида транспорт ва коммуникацион инфратузилма ҳамда трансмиллий қувурлар тизимини ривожлантиришга бағишланган навбатдан ташқари учрашуви** ўз вақтида бўлганини қайд этмоқчиман.

Шу билан бирга, бу борадаги ишларни танқидий баҳолар эканмиз, мавжуд транспорт йўналишларини қайта қуриш ва янги йўналишларни барпо этиш йўли билан минтақадаги транспорт тармоғини кенгайтириш бўйича қабул қилинган қарорлар ҳаётга татбиқ этилишдан ҳали анча узоқда эканини кўрамиз.

Назаримда, ҳозир Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг транспорт ва алоқа Ўн йиллиги ҳаракат Дастури бўйича келишув жараёнини фаоллаштириш ҳамда Дастурни босқичма-босқич амалга

(Давоми 2-бетда)

Jarayon

ЯНГИ МАЗМУН, ЯНГИ ВАЗИФА

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Мазкур қарорга мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти (директор Х. Рашидов) ташкил этилди.

Қарорда кўрсатиб ўтилган вазифаларни кенг қўламда сифатли амалга оширишда ушбу институтнинг шубҳасиз ўз ўрни ва роли бўлади. Шу муносабат билан янги ташкил этилган институт фаолияти, тузилмалари ва амалга ошириши назарда тутилаётган ишлар билан танишиш мақсадида мазкур институтда бўлдик.

Институтга борганимизда бу ерда ташкилий ишлар қизғин, масъулият билан олиб борилаётганлиги-нинг гувоҳи бўлдик.

Бизга маълум бўлишича, институтнинг асосий йўналишлари илмий, ўқув-методик ва малака ошириш ишларини узлуксиз олиб боришдан иборат. Шу узлуксизликдаги амалий ишлар мазмуни, асосан, янги ташкил қилинаётган академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг ўқув дастурлари ва ўқув режаларини яратиш ва такомиллаштириш бўлиб, ўқув-тарбиявий жараёнга илму фан эришган ютуқларни татбиқ этиш ва таълим жараёнини ишлаб чиқариш жараёнига мослаштириш; академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун меъёрий ҳужжат-

(Давоми 2-бетда)

Qo'shiq bayrami

МУСТАҚИЛ ДИЁР ТАРАННУМИ

Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номли театр биноси бугун ҳар қачонгидан ҳам ғавжум. Театр биноси туманларда ғолиб чиққан мактаблар, боғчалар қошидаги бадиий-ҳаваскорлик дасталарини ўз бағрига олган.

— Вилоят туманларида ўтказилган қўшиқ байрамларида икки мингдан ошиқ истеъдодли ёшлар иштирок этишди, — дейди вилоят болалар ва ўсмирлар ижодий марказининг бошлиғи Юрий Сизов. — Вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги барча мактабларнинг ўқувчилари, педагоглари, болалар боғчалари тарбиячилари бугунги ғўзал анжуман қатнашчиларидир.

Қўшиқ байрамига Наманган вилоятининг деярли барча туманлари жамоалари пухта ҳозирлик кўрган ҳолда келишди.

Шуниси қувончлики, туманларда биринчи ўринни эгаллаган дасталарнинг ҳаммаси республика миқёсида ўтказиладиган қўшиқ байрамлари беллашувларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Юксак савияда ўтган қўшиқ байрамида вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Дилшода Дадажонова қўриктанлов иштирокчиларига миннатдорчилик билдириб, қимматбаҳо совғалар топширди.

Галина КАШАЕВА, вилоят болалар ва ўсмирлар ижодий марказининг бўлим мудири, Пўлат ҲАМДАМ, «Мураббий» газетасининг ходими

Bolangizga darslik oldingizmi?

САХОВАТНИНГ ЧЕКИ БЎЛМАЙДИ

Газетамизнинг аввалги сонларида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан 1998—99 ўқув йилининг 1 сентябридан бошлаб ўқувчиларни дарслик билан таъминлашнинг пуллик шаклига ўтилиши ҳақида ёзган эдик. Халқ таълими вазирлигида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарслик билан таъминлаш ишлари билан шуғулланувчи ишчи гуруҳи тузилганди. Мазкур ишчи гуруҳи раҳбари, халқ таълими вазирининг ўринбосари М. Султоновдан яна бир хушхабар олдик.

Унга кўра, пойтахтимиздаги «Узбекучавтоматика» акционерлик жамияти Бош директори В. Мусафировнинг ташаббуси билан ёрдамга муҳтож оилаларнинг болаларини дарсликлар билан таъминлаш хайрия ёрдами ҳисоб рақамига 100 минг сум миқдорида пул ўтказилибди. Арғамчига қил қувват, дейди доно халқимиз. Муҳтарам тадбиркор жаноблар, шу нарсани унутманг, сиз миллатимиз фарзандларини илмли қилиш йўлида сарфлаётган бугунги сармоянгиз изсиз кетмайди. У келажакда ҳисобсиз миллионларга айланиб, юртимиз тараққиёти учун қайтади.

Н. АСЛОНОВ

МАКТАБ РАҲБАРИ ҚИЁФАСИ 2-бет

ГУЛЛАР ЎЛКАСИДА НАФИС МАЖЛИСЛАР 3-бет

MIMM

XABARLARI

MAKTAB MEHMONI

Oltiariq tumanidagi 8-o'rta maktabga shu yerlik Soliyevlar va Azimovlar oilalari tashrif buyurishdi. Maktabda Oila yili munosabati bilan ushbu namunali oilalar va o'quvchilar uchrashuvi bo'lib o'tdi. Ibratli oilalar bilan tanishuv, o'zaro savol-javoblar yoshlarda katta taassurot qoldirdi va ajoyib saboq bo'ldi. Maktab badiiy havaskorlik to'garagi a'zolarining jozibali kuy-qo'shiqlari ham uchrashuvga fayz kiritdi.

O. ROZIQOV

MUZEY TASHKIL ETILDI

Shahrisabz tumanidagi 29-tayanch maktabda maktab direktori Alijon Sattorov tashabbusi bilan tarixiy muzey ochildi.

Muzeydan 170 dan ortiq, XVI, XVII, XVIII, XIX asrga doir har xil mis choynak, choy idishi, sopol tovoq, sopol ko'za, har xil taqinchoq, tanga baldoq, rang-barang kashtalar joy olgan.

Maktabning tarix o'qituvchisi Nuriya Norova, 9-sinf o'quvchilari Suhrob Melikov, Bekmurod Uzoqov, 8-sinf o'quvchisi Iroda Tursunova va Muxlisa Mirzayevalar ushbu muzeyni tashkil qilishga munosib hissa qo'shdilar.

Maktab o'qituvchilari va tashabbuskor o'quvchilar muzeyni yanada boyitish yo'lida ijodiy izlanishlar olib borayaptilar.

A. MUQIMOV

MARHAMATLIK BILIMDON MUALLIMA

Marhamat tumanida o'tkazilgan «Yil o'qituvchisi — 98" ko'rik-tanlovida shu tumandagi 31-litseyning ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi Ma'rifatxon Jahongirova 192,5 ball to'plab, birinchi o'rinni egalladi. Endi u viloyatda o'tkaziladigan «Yil o'qituvchisi—98" ko'rik-tanlovida bilim va mahoratini namoyish etadi.

A. ERALIYEV

XABARLARI

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда)

оширишга ўтиш зарур.

Марказий Осиё минтақаси учун Туркманбоши, Боку шаҳарлари ва Грузия портлари орқали Европа қитъасига чиқиш имконини берадиган **Транскавказ йўналиши** ўта муҳим ва амалга ошириш мумкин бўлган йўл ҳисобланди.

Европа Иттифоқи ва бир қанча халқаро ташкилотлар Марказий Осиё минтақасига кенг транспорт йўли очадиган бу йўналишни ривожлантиришга ижобий баҳо бермоқдалар. ТРАСЕКАнинг турли йўналишларни қамраб олган лойиҳаси мана шу ғояни амалга оширишга қаратилгандир. Назаримда, бу лойиҳа яхшигина молиявий базага эга.

1996 йил май ойида **Серахс — Машҳад — Бендер — Аббос** темир йўлининг очилиши Ўзбекистон ва бутунминтақа учун катта аҳамият касб этади. Бу йўлнинг ишга туширилиши билан Марказий Осиё мамлакатларининг Форс кўрфазидаги денгиз портларига чиқиши учун ҳақиқий имконият пайдо бўлди. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлик доирасида амалий ҳамкорлик қилиш имкониятларини равшан намойиш этади.

Бугунги кунда минтақамиз мамлакатларини Хитой ҳудуди, шунингдек, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Япония билан боғлайдиган магистраль қурилиши ва унинг ишга туширилиши улкан аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз, илгаригидек, Афғонистон ҳудуди орқали Покистоннинг Ҳинд океанидаги портларига чиқишдан манфаатдормиз.

Фақат Афғонистонда давом этаётган уруш ва бекарор вазият бу Дастурни амалга ошириш йўлида асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Телекоммуникацион алоқаларни ривожлантиришда энг янги технологиялардан фойдаланишни алоҳида қайд этиш лозим. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар телекоммуникация тизимларининг Транс — Осиё — Европа оптик-тола кабель тизимига қўшилиши бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган оптик-тола кабель алоқа йўлининг қурилиши 1997 йил ноябрь ойида тугалланган. Шарқ билан Ғарб ўртасида тез ҳаракатда бўлувчи минглаб каналлар бўйича юксак сифатли алоқани ташкил этиш, шунингдек, видео-конференц алоқани амалга ошириш имконини берадиган рақамли жиҳоз ўрнатилиб, ишга туширилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар минтақаси учун бугунги кунда долзарб бўлган яна бир муаммо — наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва уларнинг контрабандаси билан шуғулланиш муаммосига тўхталмоқчиман.

Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтидан бошлаб наркобизнесга қарши кураш борасида улкан саъй-ҳаракатлар қилмоқда ва муайян қадамлар қўймоқда.

Биз наркотик моддалар тарқатилишининг ҳалокатли оқибатларини сергаклик билан баҳолаган ҳолда, бу иллатга қарши курашда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз зарур.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида наркотик ва психотропик моддалар контрабандаси ва божхона қаллобликларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро тушуниш ҳақида Меморандум тайёрлаш ғояси бу моддаларнинг ғайриқонуний савдоси ва олиб ўтилишига қарши курашда кўмаклашади, деб ўйлайман.

Муҳтарам Раис жаноблари!

Биз кун тартибига сиёсий хусусиятга эга бўлган, бунинг устига, Афғонистон ва Тожикистондаги вазият сингари мураккаб муаммоларни киритмасликка келишиб олганмиз. **Айни пайтда биз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган бу мамлакатларда мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатилмай туриб,** ҳамжамиятимиз доирасида тўла иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапириш қийин эканини ҳам яхши англаймиз.

Бундан ташқари, Афғонистонда давом этаётган уруш ва Тожикистондаги чигал вазият доимий равишда минтақадаги давлатларнинг сиёсий қутбларга бўлинишига сабаб бўлиб ҳамда минтақамиз ва ундан ташқаридаги барча давлатлардаги барқарор вазиятга хавф солиб тураверади.

Мен бу ўринда вазиятни сиёсий жиҳатдан изга солиш, бунинг устига, таназзулнинг чўзилиб кетишида кимлар айбдор экани тўғрисида гапириб ўтирмоқчи эмасман.

Шу билан бирга, ижозатларингиз билан, бу ерда Эрон Ислом Республикаси Президенти жаноб Ҳотамий айтиб ўтган гапни яна бир бор такрорлашни лозим топаман.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Ислом ва Шарқ цивилизацияси ҳамда фалсафасининг шаклланишида муҳим ўрин тутган ўлкамиз жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган жуда кўп фан ва маданият арбобларини, файласуф ва математикларни етиштириб чиқарган.

Шу маънода олиб қараганда, қадимий маданияти, буюк аждодларининг донишмандлиги билан фахрланиши лозим бўлган мамлакатлар — Афғонистонда 20 йилдан буён биродаркушлик, фуқаролик уруши давом этаётгани, Тожикистонда эса, 6 йилдан буён қалтис вазият сақланиб турганини тушуниш жуда қийин!

Назаримда, бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликка эришиш, мамлакатларимизнинг келажакдаги тараққиёти учун асосий йўналишлардан бири — Афғонистон ва Тожикистонга, биринчи навбатда — уларнинг иқтисодиётини тиклаш ва оёққа қўйиш масалаларида, келишилган ҳолда муайян ёрдам кўрсатиш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир бу масала минтақадаги мамлакатлар учун энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Сўзимга якун ясаб, шуни яна бир бор таъкидлашни истар эдимки, бизнинг ташаббус ва амалий ҳаракатларимиз, энг аввало, **ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликнинг иқтисодий ва гуманитар масалаларини ҳал этишга** қаратилиши керак. Бу маънода коммуникацияларни ривожлантириш, мен шу ўринда С. Ниёзовнинг фикрини қўллаб-қувватлайман, бизни бир-биримиз билан боғлайдиган муҳим бўғин бўлиши лозим.

Назаримда, бизнинг энг муҳим вазифамиз — айрим мамлакатларнинг ҳукмронлик қилишга бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатининг олдини олиш, бунга имкон бермаслик — агар кимда шундай ниятлар бўлса, улардан воз кечиш лозим, албатта, — қабул қилинаётган қарорлар Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган барча давлатларнинг манфаатларига мос келиши, шу билан бирга, бизни бирлаштириб, интилаётган мақсадларимиз доирасидан чиқмаслигига эришишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Қозоғистон Республикаси ҳукуматига, энг аввало, Президент Нурсултон Назарбоевга кўрсатилган меҳмондўстлик ва эҳтиром учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, Алматидаги давлат бошлиқларининг учрашуви Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга янги куч бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни кейинги муддатга ташкилотимиз Раиси вазифасини бажаришга киришгани билан табриклайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Сергей Кириенко кеча Вазирлар Маҳкамаси аъзолари консультациясини давом эттирди. Улар фаолиятларининг биринчи инплани тайёргарлиги борасида Бош вазирга ҳисобот беришди. Сергей Кириенко бир қатор ҳукумат вазирларини аллақачон назоратдан ўтказди.

***

Грузия Президенти Эдуард Шеварнадзе Кавказ республикалари лидерлари билан олий даражада учрашув ўтказади. Бу ҳақда у бугун Миллий радиога берган интервьюсида хабар қилди. Шеварнадзенинг таъкидлашича, Грузия, Озарбайжон ва Арманистоннинг бир бутун ва икки томонлама саммитлари Кавказорти республикаларининг мавжуд муаммоларини ечишда ва ҳамкорлик масалаларида муҳим нуқтаи назар бўлади.

Москва, «Маяк» рус эшиттириши

Ҳиндистон 1974 йилдан буён илк бор уч маротаба ер ости ядро қуроли синовини амалга оширди. Мамлакат Бош вазири Атал Бихари Вачпай синов натижасида ажралган ядроактив моддалар атмосфера қобиғига тарқатилмаслигини таъкидласада, бошқа маълумотларга тўхталгани йўқ.

***

Ўн Ғарбий Осиё мамлакат Президентлари транспорт ва алоқа бўйича Қозоғистонда учрашув ўтказганлар. ЭКО, яъни иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган мамлакат Президентлари асосан Каспий денгизидан очиқ бозорларга нефть қувурларини қуриш масаласини муҳокама қилишди.

Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати

Tadbir

ИҚТИСОД КУРТАКЛАРИ

Акмал Икромов туманидаги 453-боғча-мактаб мажмуасида Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти мактабгача тарбия бўлими ташаббуси билан болалар боғчаларида иқтисод куртакларини шакллантиришга оид кенгаш бўлиб ўтди. Унда ЎзПФИТИ, РТМ, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, туман халқ таълими бўлимларининг мутасадди вакиллари, шаҳар болалар боғчалари ва боғча-мактаб мажмуаларининг мудира ҳамда тарбиячилари иштирок этдилар.

Кенгаш боғча-мактаб мажмуасида намойиш қилинган «Тадбирлар растасига саёҳат» кўргазмаси билан танишишдан бошланди. Унда тежамкорлик асосида ясалган «Кучмас мулк савдоси» (365-боғча), «Эртаклар оламига саёҳат» (601-боғча), «Насриддин Афанди» (490-боғча) синфари шаҳар боғчаларининг қўли гул тарбиячи ва услубчиларининг иқтисодга оид меҳнат фаолиятлари акс эттирилди.

Анжуманни ТШУМОИ мактабгача тарбия бўлими услубчиси Саодат Толипова кириш сўзи билан очди.

— Ҳурматли ҳамкасблар! Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳалари — ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда туб ўзгаришлар рўй бераётир, — деди С.Толипова. — «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да таълимнинг биринчи босқичи — мактабгача таълим муассасаларида болажонлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш зарурлиги талаб этилади. Айни чоғда иқтисодиёт фанини билишга интилиш кенгаймоқда. Шу боис, усиб келаётган ёш авлодга жаҳон андозаларига мос келадиган, халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғини фан ва техниканинг янги ютуқлари билан таъминловчи иқтисодчилар тайёрлашни мактабгача тарбия давридан бошламоғимиз мақсадга мувофиқдир. Бу борада болаларни қизиқтирадиган, уларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда машғулотлар танланиши зарур.

Семинарнинг амалий қисмида «Тежоғлининг иши бежоғлидир» (453-боғча-мактаб мажмуаси) ноанъанавий машғулоти, «Ўйинлар орқали иқтисод билан дўстлашамиз» (74-болалар боғчаси) машғулоти намойиш қилинди. Машғулотларда болаларнинг иқтисодий билим, кўникма ҳосил қилишлари учун теварак-атроф билан таништириш, тасвирий фаолият, элементар математик машғулотлар, ўйин, меҳнат фаолиятлари орқали мустақил фикр юритишини фаоллаштириш, уларда синчковлик ва мустақилликни тарбиялаш назарда тутилади.

Шунингдек, 17-болалар боғчаси мудираси Феруза Иброҳимова «Иқтисодий билим малакаларини аниқлаш картаси» ҳақида тўхталиб, иқтисод қилишга ўргатиш билан болаларни қизғанчиқ қилиб қўймаслик лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. 186-болалар боғчаси тарбияланувчилари иштирокида намойиш қилинган «Тадбиркор набира» деб номланган тўгарак иши семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман машғулотларида иштирок этган тарбияланувчиларга ШУМОИ томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Кенгашнинг назарий қисмида «Эртаклар яхшиликка етаклар» (490-болалар боғчаси) мавзуида қўли гул болалар юмшоқ мато, лой ва қаттиқ буюмлардан ясалган ўйинчоқлар намойиш этилди.

«Бошланғич таълим маркази»нинг гулғунчалари мусиқали танаффусда жозибали рақслари билан йиғилганларни ҳушнуд этиб турдилар.

— Болалар боғчаларида иқтисод куртаклари шаклланаётганини кўрган анжуман қатнашчиларининг қалблари қувончларга тўлиб ҳам руҳий, ҳам маънавий озиқ олдилар, — деди Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти мактабгача тарбия назарияси ва методикаси бўлими мудири, психология фанлари номзоди Муҳаббат Расулова, — Тадбиркорликни илмий жиҳатдан очиб бердилар. Илмий ишларимиз амалиётда қўлланилаётганини кўришни истар эдик. Болаларнинг нутқи, тафаккурида ана шу элементларни кўрдик.

Анжуманда А.Икромов тумани ҳокими муовини Абдураҳмон Ёқубов, «Бошланғич таълим маркази» услубчиси Мактуба Ғофурова, ШУМОИ маънавият ва маърифат бўлими мудири Рихси Алматова ва бошқалар сўзга чиқишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мазмунли ва қизиқарли ўтган семинар унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

ЯНГИ МАЗМУН, ЯНГИ ВАЗИФА

(Боши 1-бетда)

ларни тайёрлаш, таълим мазмунини ижодийлаштиришдаги янги педагогик технологияларни ва уларнинг татбиқини ўрганиш ва умумлаштириш, ўқув дарсликлари ва қўлланмаларни тайёрлаш, кадрлар малакасини ошириш ва бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни бажаришни қамраб олади.

Шу билан бирга академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқув-тарбиявий ишларининг мазмундорлигини ошириш мақсадида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларини умумлаштириб, ижобий натижаларини амалиётга татбиқ этишни ҳам институт ўз зиммасига олади.

Институт илмий кадрларни тайёрлаш ишларини докторантура, аспирантура, ижодий изланувчи (чет элларда ҳам) каби таълим шакллари асосида олиб боради.

Албатта, кўпчиликни институт тузилмалари ҳам қизиқтирса керак. Ҳозирча институт қуйидаги тузилмалар кетма-кетлигида иш юритади.

Институтда фундаментал ва амалий тадқиқотлар бўлинмаси бўлиб, унда таълим стандарти, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, академик лицейларда таълим методикаси, касб-ҳунар коллежларида таълим методикаси ва янги информацион технологиялар лабораториялари фаолият кўрсатади.

Шунингдек, институтда малака ошириш факультети бўлиб, унда ўқув бўлими, ижтимоий-иқтисодий фанлар, таълим стандартлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими методикаси, педагогик технологиялар, инновацион иш фаолияти, маънавият ва маърифат кафедралари иш олиб боради.

Институтда тест ва аттестация маркази ҳам ижодий ишларни амалга оширади.

Мазкур институт ўқув-методик ишланмалар бўлинмасига ҳам эга бўлиб, унда касб-ҳунар коллежларини транспорт ва саноат, алоқа ва машина қурилиши бўйича ўқув-методик ишланмалар билан таъминлаш лабораториялари ҳамда академик лицейларни табиий ва умумтехника фанлари, ижтимоий фанлар бўйича ўқув-методик ишланмалар билан таъминлаш лабораториялари хизмат кўрсатади.

Бундан ташқари, институт хўжалик ишлари бўйича ҳам бўлинмага эга бўлиб, унда меҳмонхона, босмахона каби тузилмалардаги ишлар бажарилади.

Умуман, институтдаги ташкилий ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатиб утилган аниқ вазифаларни мазкур институт қандай амалий ишлар билан бажараётганлигини ҳам бундан кейин батафсил ёритиб борамиз ҳамда сиз муштарийларни шу масала бўйича қизиқтирган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Қаюм БОЙМИРОВ

ХАТЛАРДАГИ ҚАЛБ ҲАРОРАТИ

ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Уз ўғил ва қизларини эркатой, арзанда қилиб тарбиялаган баъзи ота-оналар, болалардаги салбий одатларни мактабдан, ўқитувчилардан деб нотўғри ўйлайдилар. Лекин бола мактабда тўрт ёки олти соат бўлиб, қолган вақтнинг кўпчилигини оилада ўтказади-ку. Шунинг учун ҳар бир ота-она таълимнинг макони мактаб, тарбиянинг манбаи уй, ота-она эканлигини унутмаслиги керак.

Бозорбой ТОЖИБОЕВ, Жиззах туманидаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси

КЕЛАЖАГИМИЗ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Ҳар бир ота-она фарзанди дунёга келган экан, аввалом бор уз фарзандларига муносиб ном топиб қуя билиши керак, кейин уни оилада яхши тарбиялаб, яхши муаллим қўлига топшириши лозим, саводли бўлгач, бирор касб-ҳунар ўргатиши керак. Ниҳоят фарзандини уйли-жойли қилиши шарт. Буларнинг барчаси ота-оналарнинг фарзанд олдидаги бурчларидир. Қарияларимиз буни ота-оналарнинг охиратини обод этувчи қарзлари дейишади. Унутмаслик керакки, яхши оиладагина баркамол фарзанд етишади.

Зулфия САЛИМОВА, Қоракўл туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси

ОИЛАВИЙ БЕЛЛАШУВЛАР

Ғиждувон тумани ХТБ ва туман футбол федерацияси ташаббуси билан халқ таълими ходимлари оилавий жамоалари ўртасида футбол мусобақалари ўтказилди. Унда 16 оилавий жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Беллашувда 25-мактабнинг Ашуровлар оилавий жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиб оилавий жамоалар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Зайниддин БАҲОДИРОВ, Ғиждувон тумани 4-мактаб ўқитувчиси

СОҲАДАГИ ЯНГИЛАНИШ

Наманган вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти томонидан сўнгги йилларда ҳудудларда кўчма курслар ташкил этиш анъанага айланиб бормоқда. Бу усул ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ўқитувчиларга вақт ва иқтисод тежамкорлигини оширишда жуда қўл келмоқда. Шундай кўчма курслардан бири — 32 нафар тингловчини ўзида жамлаган ўзбек тили ва адабиёти курси Норин туманидаги 34-ўрта мактаб қошида фаолият кўрсатди. 164 соатлик курс тингловчиларни илмий-назарий ва амалий қуроллантириш билан бирга, уларга янги куч-ғайрат бахш этди.

Солижон САЛОҲИТДИНОВ, Норин туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси

«АДОЛАТ» ҒОЛИБ БЎЛДИ

Яқинда Ўрта Чирчиқ туманидаги мактабда «Ахлоқ-одоб сабоқлари» мавзусида кўриктанлов бўлиб ўтди. Танловда 9-синфнинг «Камолот», 10-синфнинг «Адолат», 11-синфнинг «Ҳақиқат» гуруҳлари иштирок этишди.

Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари Ёқубжон Тўхтаев ғолиб чиққан гуруҳларга совғалар топширдилар.

Н. МУТАЛОВА, Ўрта Чирчиқ туманидаги 56-ўрта мактаб ўқитувчиси

Хатларни Икром БЎРИБОЕВ саралади.

Direktor minbari

МАКТАБ РАҲБАРИ ҚИЁФАСИ

Мактабдаги таълим-тарбия ишларига етакчилик қилишни давлат унинг раҳбарига ишониб топширади. Директорлик жуда масъулиятли вазифадир. У ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялаш, уларнинг фан асосларини пухта билиб, тўғри тарбия олишлари учун давлат ва жамоатчилик олдида шахсан жавобгардир.

Директор фаолиятидаги энг юксак хусусият — маданиятлилик, хушфеъллик, хушмуомалалик, сезгирлик, адолатлилик, инсонийлик, одамлар билан яхши муносабатда бўлишдир. Таълим-тарбия ишининг бутун мазмуни, усулларини у билиши зарур.

Бир вақтлар Хива шаҳридаги Тимирязов номидаги мактаб директори А. Абдурасуловнинг дарсини кузатганимизда, синфда ўқувчилар билан бир қаторда уч нафар ёш ўқитувчи иштирокини кўрдик. Булар кимлар деб сўрасак, директор: «Булар бу йил олий ўқув юртини битириб келган ёш ўқитувчилар. Уларни дарсимга таклиф этиб, дарс ўтиш методлари, турлари ва ташкил этиш қоидаларини ўргатишни асосий вазифам деб тушунаман. Ҳар вақт ишни ўргатиб кейин талаб қилинса, самарали бўлади», — деди. Ҳайрон қоларли жойи йўқ. У жуда тўғри иш юритмоқда.

Директорнинг масъулиятли вазифаларидан бири мактаб ишини режалаштиришдир. Бу иш режаларида ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмалари юқори даражада бўлиши учун ўқитувчи ҳамда мактаб ходимларининг ижодий вазифалари белгилаб олинади. Иш режасида умумий тушунчалар, узундан-узоқ жумлалар, мактабда ҳали бажариб бўлмайдиган фикрлар ёзилмайди. Бажарилиши мумкин бўлган вазифалар аниқ, қисқа ёзилгани маъқул. Айримлар тажрибали директорларнинг мактаб иш режаларини айнан кўчириб оладилар, майли, илғорлардан ўргансин, лекин бир мактабнинг шароити, ўзига хос хусусият ва талаблари бошқасиникига тўғри келармикан?

Аввало, директор ўз ихтисослиги бўйича пухта билимга эга бўлмоғи зарур. Иш фаолиятини бошлаган кунидан бошлаб мактабшунослик, таълим-тарбия ишларига раҳбарлик, уни бошқариш усуллари ҳақидаги маълумотларни ўқиши, педагогика тарихи, улуғ алломаларимиз қолдирган таълим-тарбия тўғрисидаги меросни, мактабни бошқаришдаги илғор тажрибаларни ўрганмаса, у раҳбарликда қийналиб қолади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да мактабнинг жамиятда тутган ўрни, тўққиз йиллик мажбурий ва ўрта ихтиёрий-мажбурий таълим ҳақидаги вазифалар белгилаб берилди.

Мактаб директори «Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш тўғрисида Низом», «Ўзбекистон Республикаси давлат таълим муассасаларида педагог ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида Низом», «Умумтаълим мактаби тўғрисида Низом», Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг мактаб тўғрисидаги қарорлари, йўриқномаларига таяниши керак. Таълим-тарбия ишларини ривожлантириш, демократик асосга йўналтириш, инсонпарварлик ғоялари юқоридаги давлат ҳужжатларида батафсил баён қилинган.

Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида «Ўз фаолиятимнинг ўндан тўққиз қисмини кенгаш асосида ўтказардим» дея бежиз айтмаган. «Маслаҳатли иш тарқамас» дейди доно халқимиз. Директор таълим-тарбия ишини ўқитувчилар жамоаси билан кенгашиб ташкил этса, иш самарадорлиги ортиб бораверади.

Педагоглар кенгаши — маслаҳат органидир. Унда муҳокама қилинадиган масалалар ўқитувчиларни илмий-назарий, методик жиҳатдан қуроллантирадиган, таълим-тарбия ишини ривожлантириш, такомиллаштиришга оид бўлмоғи зарур. Кенгаш 5 ёки 2 соатдан ошмаслиги мақсадга мувофиқ. Энг яхши ўқитувчиларнинг илғор тажрибалари педагоглар кенгашида оммалаштирилади, уни иш жараёнида қўллаш усуллари кўрсатилади. Бу кенгашда ўқитувчилар тақдирланади, мукофотларга тавсия этилади, лекин ўқитувчилар жазоланмайди. (Жазолаш меҳнат қонуни ва касаба уюшмалари Низоми асосида бўлади).

Мактабнинг ҳозирги даврдаги директори тўла ҳуқуқли раҳбар, таълим-тарбия жараёнининг бош ташкилотчисидир. У устоз ва педагог-раҳбар сифатида мактабдаги ҳамма ишларнинг тўғри боришини таъминлашга маъсулдир. Директор ҳузуридаги кенгаш ҳафтада ёки икки ҳафтада бир марта ўтказилиши мумкин. Кенгашда ўқув-тарбия ишларининг аҳволи, натижалари, мактаб ишини ташкил этишда барча педагогик имкониятлардан фойдаланиш, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ҳамкорликда бажарган ишлари натижалари ахборот сифатида баён қилинади. Мактабдаги ташкилий, оммавий, хўжалик ва молиявий ишлар, юқори ташкилотлардан келган қарорлар, кўрсатма-йўриқномалар мазмуни билан танишиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш усуллари айтилади. Кенгашда айрим ўқитувчилар, синф раҳбарлари ва бошқа жамоа аъзоларининг ўз вазифаси ҳақидаги ахборотлари эшитилиши мумкин. Кенгашни ўтказиш вақти қисқа, мазмунли, масалалар ҳамма иштирок этувчиларга тушунарли, уларни бажариш усуллари аниқ бўлмоғи зарур.

Мактаб Низоми — ҳар бир таълим даргоҳининг маёғи. Яқинда бир мактабда бўлганимизда, директори Низом кўрсатди. Унда «Умумтаълим мактаби тўғрисидаги Низом» ҳеч ўзгаришсиз кўчириб қўйилган, ҳатто педагоглар кенгашида тасдиқланган. Мактаб Низомини қандай тузиш ҳақида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги кўрсатма берган. Унинг мазмуни, шакли, бўлимлари ҳақида фикрлар баён қилинган, лекин айрим мактабларга етиб бормаган ёки туман, шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари етарлича кўрсатма бермаган.

«Мактаб Низомининг «Умумий қоидалар» бўлимида шу мактабнинг шароити, маҳаллий хусусиятлари ҳисобга олиниб, фикрлар баён қилинади. Масалан, бу йилдан бошлаб мактабдаги таълим тизимини чуқурлаштириш, педагог ходимларни аттестациядан ўтказишга тайёрлаш усуллари ёзилиши мумкин.

Низомдаги «Таълим-тарбия жараёнининг тузилиши ва уни ташкил қилиш» бўлими шу мактабда қандай амалга оширилади? Масалан, умумтаълимнинг уч босқичи, шу мактаб ҳузурида кечки мактаб ташкил этиш зарурлиги, мактаб қайси касбга йўналтирилади, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш усуллари, таълимнинг давлат андозалари (стандарти) — ўқувчилар қандай билим, малака ва кўникмага эга бўлиши каби масалалар киритилади.

Бир мактаб учун тузилган Низом бошқаси учун қўлланилмайди. Мактаб Низоми муҳокамадан ўтказилиб, педагоглар кенгашида тасдиқланади, сўнг маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларида рўйхатдан ўтказилади.

Мактаб директори ўқитувчилар дарсларини кузатиб, уни таҳлил қилишда педагогик нуқтаи назардан нималарга эътибор бериши керак?

Агар ўқув йили 32 ҳафта бўлса, ҳар бир мактаб раҳбари 384 соат дарс таҳлил қилиши керак. Ҳеч қайси директор ўз меҳнат фаолиятида бундай дарс таҳлилига эриша олмайди. Ҳафтада 12 соат дарс таҳлилини раҳбарлар қандай тушуниши керак?

Мактаб раҳбари ўз мутахассислигими, бошқа предмет — фан мутахассиси бўлган ўқитувчининг дарсини кузатиш учун олдиндан режа тузади. Ўқитувчининг дарсини кузатиш ўқув дастури, дарслик, синф журнали ва бошқа ҳужжатларни кўриб, 30 дақиқа тайёрланади, сўнг дарсга киради. Бир соат дарснинг боришини кузатади, дарс ўтиш методи, дарс тури, дарс принциплари, қоидалари, ўқувчиларнинг билими ва дарсга тегишли ҳамма томонларини кўради. Дарс тугаганидан сўнг ўқитувчи иштирокида 30 дақиқа дарсни таҳлил қилади. Демак, дарс кузатишга тайёрланиш 30 дақиқа, кузатиш бир соат, таҳлил қилиш 30 дақиқа, ҳаммаси 2 соат. Ҳар куни бир соат дарс кузатиб, таҳлил қилса, икки соатга ҳисобланади. Демак, бир ўқув йилида мактаб раҳбари 192 соат дарс таҳлил қилиш имконига эга.

Мактаб раҳбарлари ўқитувчиларнинг дарсларини кузатганда унинг мақсад ва вазифасига эътибор беришлари лозим. Маълумки, дарсда ютуқлар ёки камчиликлар бўлади. Раҳбарнинг вазифаси ўқитувчи ишини адолатли баҳолаш, камчиликлари бўлса фақат танқид қилиш эмас, унга йўл-йўриқ кўрсатиш лозим, ўқитувчи шахсига эҳтиёткорлик билан ёндашилса, ҳар икки томонга ҳам яхши бўлади. Мактаб раҳбарининг дарс кузатиш дафтари алоҳида шаклга эга бўлади, унга ўқитувчи, фан, синф, кун, йил, мавзу, уй вазифаси, дарснинг боришидаги ёзувлар, кўргазма ва техник воситалар, амалий машғулот, ўқувчилар билимини баҳолаш каби маълумотлар ёзилиши керак.

Умуман, мактаб директори ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган саводхон, билимдон, ташкилотчи, инсонпарвар, маориф ишининг ҳамма томонларини биладиган доно шахс бўлмоғи шарт.

Ҳикматулла АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

ГУЛЛАР ЎЛКАСИДА НАФИС МАЖЛИСЛАР

Эртага республика ижодкор ўқитувчиларининг Оила йилига бағишланган VII анжумани гуллар шаҳри — Наманганда бошланади.

Анъанага айланиб бораётган ижодкор ўқитувчилар анжуманига бу йил ҳам республикамизнинг ҳамма вилоятларидан ижодкор ўқитувчилар ташриф буюришди. Мазкур анжуман тафсилотини газетамизнинг кейинги чиқишларида баён этиш ниятидамиз. Қуйида улар ижодидан намуналар ўқийсиз.

Ҳайратли лаҳзалар

ТУГУНДАГИ ТОРЛАР НОЛАСИ

Халқона оҳангда туркум

Аҳмад шопирнинг қизи Ойтўлага тўй келди. Эл удумига кўра нонни бир никоҳли ёшулли ушатиши керак. Лекин қурдаги қарияларнинг ҳаммаси икки никоҳли эди. Шунда Оқсоқол: «Ҳей Тоғаймурод, нонни сен ушат», деди. Тоғаймурод бир нонга, бир қарияларга қараб, ўғлининг «Ойтўлани олдириб қўйманглар» деган гапи эсига тушиб, кўнгли бузилиб, алами чўзилиб, нон ушатаётиб айтган сўзи:

Олтин бошинг омон бўлсин Ойтўла,
Изларингдан гуллар унсин Ойтўла,
Борган жойинг сени суйсин Ойтўла,
Нон ушатар бугун сенга мард Тоғай,
Ичи-тиши дардга тўлган дард Тоғай.

Муҳаббатнинг тожи турсин бошингда,
Бахт чулғасин сени келин ёшингда,
Тун ранг олар сенинг қаро қошингдан,
Нон ушатган қўли синсин Тоғайнинг,
Кўзларига қумлар тўлсин Тоғайнинг.

Бошгинангда балхи рўмол Ойтўла,
Униб-ўсгин, топгин камол Ойтўла,
Ушоқ каби азиз, ҳалол Ойтўла,
Нон ушатган қўли синсин Тоғайнинг,
Тилига-ей тош осилсин Тоғайнинг.

«...олдирманглар» деди ўғлим, олдирдим,
Дилбандимни ғам ўтида қолдирдим,
Мен ўғлимга ғанимлигим билдирдим,
Нон ушатган қўли синсин Тоғайнинг,
Паймонаси бугун тўлсин Тоғайнинг.

Зинҳор, Тоғай нон ушатди деманглар.
Билмаганлар, бу сирни ҳеч билманглар,
Нон ушатиб ўғилга ёт бўлманглар,
Изларингдан гуллар унсин Ойтўла,
Ўғил-қизинг сероб бўлсин Ойтўла.

Шундай деб Тоғаймурод «омин» айтди, ўрнидан туриб кетди. Шу-шу тўйга қайтиб келмади.

Орол Муҳаммад РАҲИМ,
Ғузор туманидаги 53-мактаб ўқитувчиси

* * *

Йўлга бошлаётир шамол пилдираб,
«Юр» дея, булутлар ташлайди лангар.
Ҳукмин кутаётир туйғум дилдираб,
Бефарқлик — занжиру, қисмат — чилангар.

Ложувард ёшлардан тузгандим маржон,
Титроқ япроқларнинг бўйнига илдим.
Қонсираб азобим тутаётир жом,
Тўлатиб бергали бағримни тилдим.

Ҳижжалаб ўқийман манглай хатимни,
Инграган бардошни юпатиб тўйдим.
Жажжи, тетапоя муҳаббатимни
Армонга йўргаклаб, ухлатиб қўйдим...

Дилфуза ЎРМОНОВА,
Андижон шаҳридаги ўзбек-турк техник лицейи ўқитувчиси

ҚИЗЧА, БУВИ ВА ЭРТАК

— Буви, айтинг, қачон дадам
Қайтадилар сафардан?
Ойимлар-чи, қачон кўйлак
Обкелади шаҳардан?

Қизча ҳар кун бувисини
Саволларга ўрайди.
Қайтмас бўлган ойисини,
Дадасини сўрайди.

Кампир шўрлик саволларга
Жавоб топмас ўзи ҳам.
Бошқа-бошқа йўлдан кетди,
Куёви ҳам, қизи ҳам.

Қизча ҳамон савол билан
Тикилади, кампир лол.
Эртак айтишга шайланиб,
Дейди: — Қизим, қулоқ сол:

Бир бор экан, бир йўқ экан,
Гулнора қиз бор экан.
— Ойиси-чи, дадаси-чи,
Буви, сўзланг бормикан?

— Оппоғим, — деб бошгинасин
Кампир силаб, суяди.
Давомини эшитгин-чи,
Дейди, ичдан куяди.

Бувисига кўзин тикиб,
Саволларга қизча шай.
Эртагини давом қилар
Кампир сира тўхтамай:

«Ёрил тош-эй, ёрил тош,
Мен қизимни кўрайин-а,
Дийдорига тўяйин-а,
Дийдорига тўяйин».

— Буви, нега ойим, дадам
«Ёрилтош»ни билмайди?
Агар билса нечун мени
Соғинмайди, келмайди?

Кампир оғир тин олади,
Бошқа эртак айтади.
Қайтмас бўлган «ойи», «дада»
Савол бўлиб қайтади.

Зумрад ҚОБУЛОВА,
Урганч шаҳри, Огаҳий номидаги лицей ўқитувчиси

УСМОН НОСИР ЁДИ

Шеърият ўтида ёнган умр
Қайноқ сўзлар, сўзловчи юрак.
Оҳ! Юракни, ёнган юракни
Ёниб туриб тушунмоқ керак.

Бир умрки, ёниқ мисралар,
Булоғига қонмайин ўтган.
Ҳақ йўлида халқчил шоирлар,
Шеърлар битиб — тақдир яратган.

Шерали АБДИШУКУРОВ,
Олот туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

БАХТЛИСАН, ЭРКАМ

(Ўғилларим Ҳасанжон ва Ҳусанжонларга)

Кўзларинг шодликдан чарақлаб, эркам,
Мусаффо осмонга ташласанг назар.
Сенинг кўзларинг-ла боқаман мен ҳам,
Бахт борми дунёда улкан бу қадар!..

Эшитгин: ҳув ана, ўзга юртларда
Тенгдошинг очликдан чекмоқда нола.
Бир парча нон топмай онаси шўрлик
Ғамзада кўксини қилмоқда пора.

Бахтлисан, болажон, мудом қуёшли
Осмонинг, бўстонинг борлиги учун.
Ўзгалар дардига малҳам, умидли —
Заҳматкаш қалбларга ёрлигинг учун.

Фахрлан, болажон, бахт қасри — юртинг
Мустаҳкам қўлларда, бахтлисан, эркам.
Ватан байроғини баланд кўтариб,
Кўз-кўзла жаҳонга, ҳақлисан, эркам.

Раънохон БАРОТОВА,
Бешариқ туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси

СИЗСИЗЛИК

Сизсиз ҳижрон майхонасида ёлғиз алам кўзасидан май ича-ича ҳолсизланган телбасаро қизни кўрганда суянманг. Унга таянч бўлмоққа урунманг. Аяманг уни. Унинг гуноҳи сизни севгани, унутолмагани, сиздан кечолмагани. Унинг гуноҳи кўп. Сизга узанган нозик қўлларини кесиб ташланг, қайта узанмасин. Номингизни тиловат айлаган тилини юлиб олинг, токи сизнинг номингизни қайта айтолмасин. Жафо тулпорини миниб, қаҳр қиличини ўйнатинг. Ачинманг. Унинг гуноҳи кўп. Сизга ишонгани, сизни соғингани, сизни деб яшаётгани учун гуноҳкор.

Сизсиз ҳижрон майхонасида ёлғиз армон бўзасини сипқораётган қиз жазога мустаҳиқдир. Унга ачинманг. Дуллар ёғаётган очиқ бошига тошлар ёғса ҳам энди сизнинг меҳру шафқат аталмиш соябонингиз остида жон сақлашни ўзига лозим кўрмайди. Ўз қадрини, аёллик шаънини пок сақлаш учун яшайди. У гул эмас, ҳидлаб кейин ташлаб юборгани. У инсон. Ўз қадрини биладиган, ўзгаларни-да қадр гулшанида авайлайдиган. У қишлоқ қизи. Кенглик фарзанди. У қизни мен яхши танийман. Жамалак сочли қизалоқлигидан буён танийман. У — мен. Ўжар, қишлоқича ғурлигию мағрурлиги қоришиқ қиз.

Муҳтарама ТУРКОЙ

БАҲОР ТОНГИ

Майин шабададa майин тебраниб,
Ял-ял товланади бу қизил гуллар.
Ғунча ҳам муаттар ҳидини ёйиб,
Тонг вақти шайланмоқ пайида турар.

Чигиртка овози сирлидир жуда,
Кўзим тушган ҳар не буткул мўъжиза.
Юрагим қуш каби типирчилайди,
Тунларим мўъжиза, куним мўъжиза.

Майин шабададек майин шивирлаб,
Очиқ деразамдан келди оппоқ тонг.
Вужудим бир ажиб ҳисларга тўлди,
Руҳимни уйғотиб юборди бир бонг.

Раъно ЁҚУБОВА,
Узун туманидаги 55-мактаб ўқитувчиси

НЕМИС ХАНДАЛАРИ

— Дада, Петернинг фикрича «мен қанча тарбиялансам ҳам тузукроқ одам бўлмайдиган аҳмоқ» эмишман. Буни менга Петернинг ўзи айтди.

— Парво қилма, ўғлим. Петернинг ўзида мустақил фикр йўқ. У маҳалламизда ҳамма айтиб юрадиган гапни айтибди, холос...

* * *

— Жаноб официант, — деди жаҳл билан ҳўранда, — бу қовурма мол гўштидан тайёрланганми ёки чўчқа гўштиданми?

— Кечирасиз, — деди официант мулойимлик билан, — сиз ўзингиз мол гўшти билан чўчқа гўштини фарқлай оласизми?»

— Йўқ!

— Ундай бўлса буни сўраб нима қиласиз. Марҳамат қилиб қовурмани еяберинг. Сизга ёқимли иштаҳа тилайман!..

* * *

— Ойи, менга 50 тийин беринг, мен уни кекса бир кишига ҳадя қилмоқчиман.

— Кексаларга, ўзидан қолган кишиларга ёрдам қилиш, бу жуда яхши фазилат. Хўш, ўша одам қаерда туради?

— У кўча муюлишида музқаймоқ сотаяпти...

* * *

Муаллима: «Мони, айтчи, «шим» бирликдами ёки кўпликдами?»

Мони: «Юқори қисми бирликда, пастки қисми эса кўпликда».

* * *

— Холажон, юзингизга нега упа сепаяпсиз?

— Чиройли бўлиш учун...

— Унда нима учун (чиройли) бўлмаяпсиз...

Таржимон Курбонбой ЖЎРАХОЛОВ,
Пахтачи туманидаги 45-ўрта мактаб немис тили ўқитувчиси

ЛАТИФАЛАР

— Сен шу ерда тўриб атрофда Сичқонлар жуда кўпайиб кетди-ку?! — дедилар Мошга.

— Ҳе, майда-чуйда ишлар билан шуғулланишга кимнинг тоқати бор бу замонда. Энди мен фақат Каламуш овлаяпман! — гердайиб жавоб қилди Мош.

* * *

Тимсоҳдан сўрашди:

— Айт-чи, сен учун дунёда энг қимматбаҳо нарса нима?

— Менинг терим, — қисқа жавоб қилди у.

Абдулла АБДУРАҲИМОВ,
Булоқбоши туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси

«ФАРОСАТЛИ» ШОГИРД

Ҳажвия

Уч кундирки, Сафарали Болтаевичнинг томоғидан ўтган таомларнинг мазаси билинмайди. Ўғли Фарҳоджоннинг суннат тўйига шаҳар ҳокимининг шахсан ўзи иштирок этгани-ку, унинг обрўсини ошириб юборди. Лекин шогирди, шу пайтгача ишониб, одоб-ахлоқли деб билган аспирантнинг «фаросатсизлиги» ишнинг белига тепди.

Абдумўмин тўйдан бир кун олдин устозиникида роса хизмат қилди. Тўй куни эса кечқурун суннат тўйига бағишланган базмнинг ярмида худди меҳмондек кириб келса бўладими? Сафарали Болтаевич шаҳар ҳокими Давлатали Шукуровичнинг даврага келишини кўрдию ҳаяжонланганидан тили калимага келмай қолди. Тўй кайвонилари одатдагидек «катталарни» тўйхона тўрига етаклаб кетишди. Сафарали Болтаевич ғурур билан ҳокимнинг орқасидан қарар экан, у билан ёнма-ён бораётган киши ҳам танишдек туюлди.

Э-э-э! Не кўз билан кўрсинки, бу шогирди Абдумўмин эди.

— Ҳой, уни чақириш керак. Уни Президиумга ўтқазманглар. Ҳа, бефаросат...

Сафарали Болтаевичнинг гапини тўй кайвонилари эшитса ҳам эшитмаганга олишди. Чунки, «катталар»нинг олдидан Абдумўминни чақириб олишнинг ҳеч иложи йўқ эди.

«Президиум» деб аталган «катта»лар учун безатилган столда хизмат қилаётган олийгоҳ ўқитувчиси Ғиёсиддин Абдумўминнинг олдига келиб, унинг қулоғига шивирлади;

— Сени Сафарали Болтаевич чақираяптилар.

— Майли, озгина ўтирайлик. Ҳозир ҳаммамиз турамиз...

Бу гапни эшитгач, Сафарали Болтаевичнинг нафас олиши қийинлаша бошлади. «Фаросатсиз! Уялмайдими? Катталарнинг столига ўтиришга. Ҳали ишга чиқсин...» — дея ичида роса сўкинди.

Ҳоким билан келган меҳмонлар ярим соатлар чамаси ўтирар-ўтирмас қўзғалишди. Абдумўмин устозининг олдига келиб, қўли кўксида:

— Узр, чақиртирган экансиз, — деди шивирлаган оҳангда.

— Ўтир, шошилиб қаёққа кетаяпсан? — Сафарали Болтаевич жаҳл аралаш шундай дедию Абдумўминнинг қорнига нафрат билан разм солди. Гўё Абдумўмин тўй дастурхонидаги ҳамма нозне-ъматларни шу ерга жойлаштиргану, катталарга ҳеч вақо насиб этмагандек...

— Домла, узр, — Абдумўминнинг гапи Сафарали Болтаевичнинг хаёлини бўлди. — Машинада бир кишилик жой бор экан. — У «Волга»га ишора қилди.— Шулар билан кета қолай. Йўлимиз бир экан.

Сафарали Болтаевич йиғлагудек бўлиб, «Волга»нинг орқасидан қараб қолди. «Фаросатсиз! Аҳмоқ! Йўқ, у аҳмоқ эмас! Мен аҳмоқ! Давлатали Шукуровичнинг кимлигини биларми-кин? Ҳали олийгоҳ раҳбарлари ноқобил аспирантнинг қилмишини эшитишса борми, калтак мени бошимда синади-ку!»

..Хуллас тўйдан буён кайфияти бузилган. Шогирдининг фаросатсизлиги ҳафсаласини пир қилган.

— Ассалому алайкум, домла, — таниш овоз Сафарали Болтаевичнинг хаёлини бўлиб юборди.

— Келдингми? — У Абдумўминга заҳрини соча бошлади. — Намунча тошбақага ўхшаб имиллайсан? Иш вақти саккиздан эди шекилли?

Абдумўмин нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди;

— Э, бўлди қўй, гапирма, — уни тўхтатди домла. — Ҳеч одам бўлмадинг, бўлмадингда. Фаросатсизлигинг учун у дунёю бу дунё диссертация ёқлолмайсан. Олим бўлишдан олдин одам бўлиш керак, укдингми? Мана, тунов кунги Фарҳоджонни тўйида...

— Ҳа, тўйингизга бордимку.

— Э, ўргилдим. Тўйга бордим-ку эмиш. Одамга фаросат керак, билдингми? Унақа боргандан кўра асли бормаганинг маъқул эди.

— Бундоқ тушунтириброқ гапиринг.

— Тушунмадингизми? Бўлажак олим, — гапни пичинг билан давом эттирди домла. — Тўйга бординг яхши. Не кўз билан кўрайки, ҳокимимиз Давлатали Шукурович билан бирга дарвозадан кирдинг. Биласанми, у киши ким? Бизлар қўл бериб саломлашсак, уч кун қувончдан ухлолмай юрамиз. У кишини тўйга таклиф этгунча, ўртага кимларни қўйдим. Уни билмайсан. Сен фаросатсиз у кишига қўшилиб, тўғри «катта»ларнинг столига бориб ўтирдинг. «Орқага қайт» деб кўз билан ишора қиламан, неки қарасанг. Бориб ўтирдинг. Ойвой фаросатсиз, тағин оч тулкига ўхшаб, товуқ гўштларни тиқиб ётибсан. Тағин, улар билан қадаҳ уриштирганингга куяйми? Бундоқ ўйла, сен ўзинг ким? Давлатали Шукурович ким?

— Ахир у киши...

— Нима, у киши?! Холангнинг эрими?

— Сал яқинлашдингиз.

— Нима-нима. — Домла ток ургандек сапчиб тушди. — Ростданам яқинлиги борми?

— Ҳа, кичик тоғам шу киши-да.

— А?! Абдумўминжон! Ўзимнинг шогирдим, ростданми? Нега шу пайтгача айтмадинг? Ўзимга ўхшаб камтарсан-да.

Абдумўмин босиқлик билан тушунтира бошлади.

— Аслида мен тўйхонага эртароқ бормоқчи эдим. Уйга тоғам келиб қолдиларда, бирга борамиз, дедилар. Тўйхонага яқинлашгач, мен билан бирга ўтирасан, деб қўймадилар. Ҳурмат юзасидан бирга ўтирдим. Кейин қўймай ўзлари билан олиб кетдилар.

— Э, яшанг ука! — Сафарали Болтаевич беихтиёр қувонч билан Абдумўминнинг елкасидан туртиб юборди. — Одам деган ана шундай бўлиши керак. Жуда фаросатлисиз-да Абдумўминжон. Айтгандай, тўй тоғангизга ёқдими? Давлатали Шукуровични энди бир уйга олиб борасиз. Бошқатдан ўтирамиз. Эсингиздан чиқмасин. Менинг ишончли шогирдим эканлигингизни у кишига айтиб қўйинг. Айтганча, диссертациянгизни яқин ойларда ҳал этамиз. Олдиндан бўлса ҳам табриклаб қўяй, — дедию Абдумўминнинг қўлини қаттиқ сиқиб, пешонасидан ўпди.

Абдулла АЙИЗОВ

Саҳифани Алишер НАЗАР тайёрлади

O'zbekiston qo'shiq bayrami

ПОЛВОНМАН

Қамбар ОТА шеъри
Муҳаммад ОТАЖОНОВ мусиқаси



Охили, вохили, охили, хей,
Вохили, охили, вохили, хей.

Полвонмано, полвонмано,
Кучли деб ном олганман.
Билакларимга қаранг,
Мушакларим тап-таранг.

Охили, вохили, охили, хей,
Вохили, охили, вохили, хей.
Спортнинг қадрини билиб,
Чиниққанман машқ қилиб,
Кўкрагим нақ қалқонман,
Паҳлавонман, полвонман.

Охили, вохили, охили, хей,
Вохили, охили, вохили, хей.
Ишлатмайман ҳеч фириб,
Рақибимга чил бериб.

Елкамдан тез ошириб,
Кўёман кўп шошириб.
Мардлар ҳалол курашар,
Кураш менга ярашар.
Жасур ботир юрагим,
Ерга тегмас курагим.

Охили, вохили, охили, хей,
Вохили, охили, вохили, хей.

1998 yil — Oila yili

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ...

Қариси бор уйнинг париси бор. Уларнинг турган-битгани хазина. Угитлари олтинга тенг. Маслаҳатларига ҳар дам эҳтиёж сезамиз. Харита чизиқлари сингари нуроний чеҳраларига тортилган ажинлар, хиралашган кўзлар, оғирлашган қулоқ — бари-барида етмиш, саксон, тўқсон, эҳтимол юз йилликнинг кечмишлари муҳрлангандек. Унутмаслигимиз керакки, улар ҳам бизу сиз сингари ўктам, дилбар, сергайрат қиз ва йигитлар бўлганлар...

Энди эса қаришди... Бу ҳолатни кўпчилик мудҳиш ҳолат деб таърифлайди. Тўғри. Инсон бир бора туғилади, яшайди ва бир бора қарийди. Кексаликни тан олгилари келмаса-да, ҳаётнинг абадий қонуни ўз кучини кўрсатишга қодир...

ҚУНДУЗ МОМОНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

Қундуз момо сал кам аср тенгдоши. Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида таваллуд топган бу момо шунча ёшни яшаб қўйганига ишонгиси келмайди. Кишининг умри худди шамол каби эсиб утаркан-кетаркан. Йиллардан «мева» бўлиб, фарзандлар қолаверар экан. Болалар ҳам ўсиб-униб, улгайишиб, одам қаторига қўшилишиб, уйлик-жойлик, фарзандлик бўлишганида, ота-она енгил тин олар ва галдагисининг ташвиши билан ўралашиб, яна бир неча йилларнинг оқар сувдек ўтиб кетганини сезмас экан.

Қундуз момо Сафарова Булоқбоши қишлоғидаги обрули хонадоннинг бекаси бўлиб, 6 нафар фарзандга суюкли она, 100 чоқли невара, чевараларга бувви. Бир ота-онадан тарқалган авлод, ўзларидан кўпайган авлод. Кўпайиш давом этмоқда ва давом этади.

Қундуз момонинг бир қизи ва 5 ўғли бор. Улар ҳам кексайиб қолишди, лекин оналари олдида улар анча тетик, бардам. Қизи Масувра — 76, ўғли Беркин 70, Бегмамат 64, Нурмамат — 60, Боймамат 57, Шермамат 50 ёшда. Улардан туғилган фарзандлар ҳам Қундуз момога ҳар дам қандайдир илиқ кайфият бағишлайди. «Болагинамнинг боласи, қантак урикнинг меваси» деганлари эҳтимол шудир. Момо невараларини суйиб-эркалайди, утмиш замонларда ўзи кўрган, гувоҳи бўлган ва эшитган воқеалардан сўйлаб беради. Табиийки, ҳали ота-онасининг қарамоғида бўлган невералар, чевералар момосининг ўгитларидан, насиҳатларидан хулоса чиқаришади.

Ҳа, Қундуз момо сингари кампирларнинг қурғон-билгилари, панд-насиҳатлари ТАРБИЯ.

«Бировнинг молига ҳеч қачон кўз олайтирманглар, болам!» дейди момо ҳар гапининг бирида. Қулоққа қуйилган гап қулоқда қолади, мияга жойланади. Қари билганини пари билмас, деган нақл бежизга айтилмаган ахир.

— Эна, қулингиз яхши бўлиб кетади. Бир-иккита осма укол олсангиз кифоя, — дейди момонинг келини Мусал хола.

Маълум бўлишича, момонинг қулига бир яра чиқиб, азоб бераётган экан. Томчилатиб қилинадиган уколни эшитиб, момонинг энсаси қотди:

— У уколинг қиммат-ку, болам! Туримдан гўрим яқин бўса, қуй, кераги йўқ! Ундан кўра манави мойдан суркаб қуй!

Келинлар бир амаллаб момони ўрнидан турғазишиб, орқасига ёстиқ қўйишди ва шишган қўлига малҳам суришди.

— Энам қутилмаганда тўшакка ётиб қолди. Жуда тетик юрарди. Икки қўлини орқасига қилиб, у уйдан бу уйга кириб, ҳангомалашишдан зерикмасди. Қўлидаги яралан жони азобда, худойим шифо бersин! — дейди момонинг невара келини Шарбатхон. — Невара, чевараларининг исмларини янглишмасдан айтишига қойил қолаверинг!

Дарвоқе, момонинг келинлари— Назира, Шарбат, Шоҳида, Гулчеҳралар муаллима, қишлоқдаги 48-мактабда ишлашади. Касб тақозоси туфайлими ёки турмушнинг талабими, бу келинлар момодан гап олгилари келади. Шунчаки гап эмас, балки халқ педагогикасига даҳлдор бўлган, неча минг йиллик қадриятларни ўзида мужассам этган насиҳатлар қайноналарида мул-кўллигини улар жуда яхши билишади.

...Билмадим, момо тушакдан турдимикан ёки... Ищқилиб, мадор кетган, заиф бир хилқатга айланган вужуд оғриқни енгган бўлсин! Дарддан халос бўлса, момо ҳали кўп яшайди...

ДИПЛОМСИЗ ЎҚИТУВЧИ

Дипломсиз ўқитувчи ҳам бўларканми, дея таажжубдасиз. Зийрак муштарийлар эса аллақачон бу ҳеч қандай маълумоти бўлмаса-да, бой педагогикани ўзида мужассам этган ота ёки она ҳақида гап кетишини билдилар.

Ўғли Илҳом аканинг айтишича, Маҳбуба аянинг ҳеч қандай маълумоти йўқ. Турмуш ўртоғидан бева қолган пайтда энг кичик синглиси Озода 2-3 ойлик чақалоқ бўлган.

Уч ўғил, уч қиз, еярман, ичарман бир этак жон. Уларни боқиб, катта қилишнинг ўзи бўладими? Қаҳатчилик йиллари одамлар бир бурда нонга зор, аммо елкадош эдилар. Маҳбуба ая қўли гул чевар эмасми, қўни-қўшниларига кўрпа қавиб берар, дўппи-жияклар тикиб, бозорга олиб чиқар, бу пулга рўзғорнинг каму кўстларини тўлдирарди. Рўзғор деганлари гор, соласан, тўлади ва бир кун қарабсанки, яна бўшайди.

Маҳбуба ая бировдан қарз олмади. Қўни-қўшнилариннг илтимосига биноан қавиб берган кўрпа-тўшакларига нарх белгиламади. «Савоби тегади» дея фикрлаган аёлнинг қўлини албатта қўшнилари ҳам қуруқ қўйишмасди.

Бир-бирини доғда қолдириб, кўп йиллар ўтиб кетди. Болалари улгайишди, уларни бировникидан кам қилмай, уйлантирди, узатди. Шу тариқа 3 қиз, 3 ўғил — аянинг суянчиқлари, улар онаизорнинг ҳалол йўл билан топган ризқ насибаларини еб катта бўлишди. «Дипломсиз ўқитувчи»нинг сабоқларини олган ўғилқизлар кам бўлишмади. Умрининг деярли тенг ярмини беволикда ўтказган бу аёл, шоир айтганидек, муҳтарам бир зотга айланмадимикан?

Ҳозирда ҳам Тошкентнинг Профессорлар шаҳарчасидаги Нозимаҳоним кўчаси, 1 проезд, 40-хонадондан кун бўйи одам аримайди. Келиб-кетувчи ўғил-қизлар, невералар, қариндош-уруғ, невара, чевара, ошна-оғайнилар бирров қириб, ҳол-аҳвол сўраб чиқишади. Байрам ва ҳайитларда ая кийим-кечак ва бошқа совға-саломларга кўмилиб кетади. Ая буларни алқаб-алқаб, кўзларига суртиб, яна кимларгадир улашади. Бир қисмини сандиққа ташлайди...

Ая гоҳ ўғли Илҳомникида, гоҳ Ҳотамникида, гоҳо қизлари Матлуба, Маҳфуза, Озоданикида. Невара, чевараларини санаб адо қилолмайди. Адашмаса, улар 140 атрофида. Раҳматлик турмуш ўртоғи Ҳасанбойдан тарқалган кичик-кичик оилалар.

Ая бийрон-бийрон сўзлаётган, бўйи чўзилиб, овози дўриллаб қолган чевaралари сиймосида раҳматлик чолини кўргандек бўлар, руҳан енгиллашиб қоларди. Чоли бўлмаса-да, унинг фарзандлари, фарзандларининг фарзандлари бор. Демак, умридан нолимаса ҳам бўлади...

Маҳбуба Абдурасулованинг катта ўғли Ҳотам ака 78 ёшдалар. Онасидан 16 ёш кичик бўлган бу киши «Ардус» фирмасида ҳамон хизмат қилар экан. Қизлари Маҳфуза, ўғиллари Асомиддин пенсиядалар. Илҳом ака фан оламига шўнғиди. Ветеринария фанлари доктори даражасига эришиб, ҳозирда зоология институтининг паразитология лабораториясида ўз илмий ишларини давом эттирянти.

Юнусобод туманидаги 20-ўрта мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Озода опанинг ўз оналарига берган таърифи шундай:

— Онам дипломсиз ўқитувчи. У киши берган тарбияни олиб, ҳаётдан ўз ўрнимизни топдик. Эндиликда ойимлар берган тарбияни биз ўз фарзандларимизга қуллаяпмиз. Тикиш, бичиш, саранжом-саришталик, таом ва пишириқлар тайёрлаш дейсизми, ҳаммасини онамдан ўрганганмиз. Оқилаликда, тежамкорликда, хушмуомалаликда тенги йўқ шундай аёлнинг қизи бўлганлигимдан фахрланаман...

* * *

Мана, сизга икки онахоннинг қарилик даври ва ҳолати ҳақида лавҳалар... Буни одатда қарилик гашти дейдилар. Зеро, қарияларга ўрмат кўрсатсак, бир кун, албатта, бу ўзимизга қайтажак...

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА
СУРАТДА: Маҳбуба ая Абдурасулова.

Xullas...

ОШИҒИ ОЛЧИ МИЛЛИОНЕРЛАР

Ким ҳам миллионер бўлишни истамайди?

Аммо бу бахт камдан-кам кишиларгагина насиб қилади. Америкалик машҳур миллионерларнинг йиллик даромади ҳақида «Фобс» журнали қуйидагича маълумот беради.

Биринчи ўринда таниқли режиссёр, фантастик фильмлар ижодкори Стивен Спилберг туради. У 1996 йил ҳамда 1997 йилнинг олти ойи мобайнида 313 миллион доллар ишлаб топган. Сеҳргар Девид Копперфильд 85, Арнольд Шварценеггер 74, Майкл Жексон 55, Кевин Костнер 42 миллион доллар соҳиби бўлган.

Уларнинг барчаси санъатнинг у ёки бу турида ижод қилаётган ошиғи олчи миллионерлардир.

БОР-ЙЎҒИ 90 ГРАММ

Қўл соатлари ёнига ўрнатиш мумкин бўлган антиқа телефонлар Германиянинг «Сименс» компанияси томонидан ишлаб чиқарилаяпти экан. Хўш, у қандай тузилишда? Симсиз микрофон костюм астарига, динамик эса қулоқ орқасига маҳкамланар экан. Соат корпусида телефоннинг микромодули ҳамда жажжи аккумулятор жойлашади. Абонент соат корпусига ўрнатилган кнопкалар ёрдамида керакли рақамларни теради. Кейин эса одатдаги телефондагидай қўнғироқ тугмачаларини босиш, суҳбат...

Американинг «Моторола» компанияси яратган телефон қурилмаси бундан ҳам ихчам. Унинг оғирлиги бор-йўғи 90 грамм, ҳажми эса тамаки қутисидек.

ИЧУВЧИЛАРНИНГ БАҲРИДАН КЕЧИЛДИ

Челябинскдаги йўл машиналари ишлаб чиқарадиган заводда «энг яхши ичувчи» деб номланган танлов ўтказилди. Ҳар саккиз «лауреат»дан бири завод маъмурияти буйруғига кўра, бир шиша обизамзам билан «сийланди».

Гап шундаки, танлов танловлигича қолмади. «Ғолиб»ларга берилган табрик қоғозида уларни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ ҳам қайд қилинган эди...

ana shunaqa gaplar

БОЛАЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИ РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ

ФУТБОЛ

Хоразм вилоятининг Урганч, Хива шаҳри ва Хонқа тумани ўйингоҳларига тўпланган кўплаб мактаб ўқувчилари, катта ёшдаги футбол ишқибозлари қизиқарли мусобақаларининг гувоҳи бўлишди.

Республиканинг Фарғона вилоятидан ташқари барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистонниинг болалар-ўсмирлар спорт мактабларидан таркиб топган 13 команда орасидан энг кучлилар — Тошкент шаҳридаги 3-БУСМ, Бухоро шаҳридаги ихтисослашган спорт мактаби, Хоразм вилоят футбол мактаби ва Самарқанд вилояти Жомбой шаҳридага болалар футбол мактаби ярим финал мусобақаларида учрашишди. Тошкент ва бухоролик ўқувчилар учрашувида асосий ўйин вақти дуранг — 1:1 натижа билан тугади. 11 метрдан белгиланган жарима тўпларини тепишда омад бухороликларга кулиб боқди. Улар 5:3 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Финал беллашувида бухороликлар устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган хоразмликлар учрашув чемпиони бўлишди. Тошкент шаҳри вакиллари ҳам самарқандлик спортчиларни шундай ҳисобда мағлуб этиб, учинчи ўринни эгаллашди.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Самарқанд шаҳрида ўтказилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри спорт мактаблари талабалари гиламга чиқишди.

Уч кун давом этган курашлардан сўнг 10 хил вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. 42 кг вазн тоифасида бухоролик Баҳодир Ёмомов, 45, 48 ва 57 кг вазн тоифасида самарқандлик Нодир Қосимов, Бахтиёр Сайфиев, Ёқуб Холбоев, 52 кг вазн тоифасида навоийлик Баҳодир Намозов, 63, 69 кг вазн тоифасида тошкентлик Тимур Фатхулин, Жавлон Азимов, 76, 83 кг вазн тоифасида қашқадарёлик Уктам Қуралов, Руслан Акчурин, 95 кг вазн тоифасида фарғоналик Анвар Фозилов республика биринчилиги голиблари бўлишди.

Команда ҳисобида Самарқанд вилояти полвонлари 238 очко тўплаб чемпионликни қўлга киритишди. Пойтахт спортчилари улардан икки очко ортда қолиб иккинчи ўринни, навоийликлар эса 166 очко билан учинчи ўринни эгаллашди.

F. МАННОПОВ

Olimpiada-98

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ ЯКУНЛАНДИ

Апрель ойининг охирида Бухоро шаҳрида ўтказилган республикамиз русийзабон талабалари орасидаги фанлар бўйича олимпиада якунланди. Унда команда ва шахсий биринчилик бўйича Тошкент педиатрия-медицина институти талабалари 1-ўринни эгалладилар. Биз шу муносабат билан институт ўзбек тили кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди Кавсар Турдиева билан суҳбатлашдик.

— Кавсар опа, сиз бошқараётган кафедра ўқитувчиларидан таҳсил олган талабаларнинг яхши кўрсаткичларга эришишинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Бу кўрсаткич, албатта, кафедрамиз тажрибали педагогларининг кўп йиллик меҳнатининг самарали натижасидир. Чунки республикада биринчи бўлиш шарафига эришиш бир кунлик ёки бир ойлик иш эмас. Бунинг учун мукаммал методологик асос, ана шу асосга етказиб бера олиш учун етарли кўникмалар зарурдир. Институтимизнинг тажрибали тилшунос ўқитувчилари томонидан тайёрланган уч қисмдан иборат ўзбек тили бўйича қўлланма нафақат институтимизда, балки республикадаги барча тиббиёт институтлари ва билим юртларида ҳам кенг тарқатилди. Бу қўлланмада тил қоидаларининг содда ва равон берилиши, унда тиббиётга оид материалларининг мавжудлиги, шу билан бирга сўзлашув маданиятига оид диалогларнинг кўплиги билан характерланади.

Тилшуносларимиздан доцент Машкура Туропова ва катта ўқитувчи Дилбар Аҳмедовалар ушбу қўлланманинг муаллифларидир. Шуни айтиш керакки, бу ўқитувчиларимиз олимпиада ташкилий қўмитасининг ҳам аъзоларидир. Бу хородаги олимпиадада иштирок этиш учун борган талабалар ҳам ана шу тажрибали ўқитувчилар қўлида таҳсил олмоқдалар. Албатта, олимпиадага тайёргарлик ишлари иқтидорли талабалар билан ишлашнинг махсус дастури бўйича олиб борилди. Мазкур дастурда нафақат қоидалар, балки мантиқий саволлар, ўйин-топишмоқ саволлар ҳам бор. Бу дастурга лотин алифбосининг қисқа курси ҳам киритилган.

— Кавсар опа, энди институт миқёсида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ҳам бир тўхталсангиз?

— Институт маъмурияти ва шахсан ректоримиз, профессор Дамин Асадовнинг ўзбек тилига бўлган ҳурмати ва эътибори чексиз. Шу туфайли жамоамизда мазкур Қонунни ҳаётга татбиқ этиш ишлари жуда яхши йўлга қўйилган, деб айта оламан.

Институтимизда ўтказилган кўпгина илмий кенгашларда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг амалда қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масаланинг киритилиши, бундан ташқари даргоҳимизда «Давлат тили» бўйича махсус ҳайъатнинг мунтазам иш олиб бораётгани ҳам ўз самарасини бераяпти, деб ўйлайман. Шуниси эътиборлики, ҳар бир кафедра қошида атамалар шўъбасининг фаолият кўрсатаётгани диққатга сазовордир. Кўпгина институтларда ўзбек тили кафедраси рус ёки чет тиллари кафедралари билан бирлашган бўлиб, бу ўз навбатида Давлат тилига бўлган эътиборни сусайтириши табиий. Институтимизда Давлат тили кафедрасининг алоҳидалиги кўпгина имкониятлар яратмоқда. Масалан, ҳозир ўқитувчиларимиз кафедра қошида ўзбек тилини ўқитиш Марказини ташкил қилиш ҳаракатида юришибди. Ҳар йили институт услубий маркази томонидан методик қўлланмалар чоп этилмоқда. Бу методик қўлланмаларда ноанъанавий дарс ўтиш усуллари ҳамда ўзига хос услубий йўналишларга катта эътибор берилмоқда.

— Кавсар опа, олимпиадада нечта институт иштирок этди?

— Бу олимпиадада республика бўйича 26 та олий ўқув юрти иштирок этиб, бизнинг билим даргоҳимиз 1-ўрин, Тошкент Давлат университети 2-ўрин, Бухоро технология институти эса 3-ўринни эгалладилар.

Абдул ЖАЛИЛ
суҳбатлашди

Bolalar kulgusi

МЕН ШИРА ЭМАСМАН-КУ!

Нодиржон чойга роса мураббо қўшиб ичди. Мураббо аввал қўлига, сўнгра бетига ёпишди. Бироқ у юз-қўлини ювишни хаёлига ҳам келтирмади. Ўйинчоқ машиначасини «ғинг-ғинг» қилиб олдинга, орқага ҳайдай бошлади. Аммо атрофида ғуж бўлиб тўпланган пашшалар унинг юзига, лунжига қўниб олишди. Нодиржон қўли билан уларни ҳайдади. Пашшалар эса хиралик қилиб, яна Нодиржоннинг юзига қўнишди. Нодиржон уларни яна ҳайдади. Охири унинг жаҳли чиқди. Қўлини ёзиб туриб ўз бетига бир шапалоқ туширган эди, қуриб кетгур пашшалардан биронтаси ҳам ўлмади. Шунда у:

— Ойи, ойи, буларни қаранг, — деди атрофида ғувуллаб учаётган пашшаларни кўрсатиб, — ўйнагани қўймаяпти.

— Нима деяпсан? — сўради уй ишлари билан овора бўлаётган онаси.

Нодиржон норози оҳангда деди:

— Мана бу пашшалар-да! Ахир мен шира эмасман-ку!

Онаси унга тикилиб:

— Ўғлим, юз-қўлингни ювмабсан-да, пашшалар сени шира деб ўйлаяпти, — деди кулимсираб.

Феруза ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Оқ-олтин туманидаги 29-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 19-ўрта мактаб томонидан Рустам Жуманазарович АҲМЕДОВ номига берилган А серияли 520534 рақамли 9 йиллик маълумот ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЭЪЛОН

Ҳурматли ота-оналар, устозлар ва ўқувчилар!

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги Ҳасанхон Исломов номидаги 41-ўрта мактабда бир неча йилдан бери тиббиёт ва математика-информатика фанларини чуқурлаштириб ўргатадиган синфлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу синфларни тамомлаган ўқувчиларнинг 90 фоизи олий ўқув юртларига муваффақиятли кира олиши кафолатланган.

Дарҳақиқат, бу йил ҳам 1998—99 ўқув йили учун мазкур синфларга қабул эълон қилинади. Шу йилнинг 10 майидан бошлаб мактабда махсус тайёргарлик машғулотлари уюштирилади.

Қабул 1 июндан бошланади.

МАНЗИЛИМИЗ: М. Уйғур кўчаси, 101. Гулобод мавзеси.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати ва жамоаси «Ёш физиология ва мактаб гигиенаси» кафедрасининг собиқ мудири Р. Воҳидовага онаси

Адолат ВОҲИДОВА

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими жамоаси Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими ходими, меҳнат фахрийси Ф. Ибрагимовага умр йўлдоши ва 19-болалар боғчаси мудираси Д. Саматовага отаси

Исроил САМАТОВ

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси шаҳар қўмитасининг молия бўлими инструктори Зарофат Шоусмоновага падари бузруквори

Исроил ИБРАГИМОВ

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли акамиз ТУРДИБОЙ РАҲМАТУЛЛАЕВ!

Сизни умрингизнинг 59-баҳори ҳамда педагогик фаолиятингизга 36 йил тўлиши муносабати билан қизғин табриклаймиз. Бўка тумани К. Йўлдошев номидаги мактаб директори сифатида, эзгу мақсадлар йўлидаги фидойи меҳнатингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳурмат билан,
укангиз Тўрақул, келинингиз Мехринисо

Sport maydonchasi

БЕЛЛАШУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шахмат бўйича 63-мамлакат чемпионати давом этмоқда. Унда эркаклардан жами 13 киши қатнашмоқда. Қатнашчиларнинг тўрт нафари халқаро гросмейстер унвонига эга. Учинчи турда ўтган йил чемпиони ва халқаро гросмейстер Рустам Қосимжонов спорт устаси Рамиз Қурбиддинов билан учрашди. 21-юришга келиб, Рустам Қосимжонов енгилганлигини тан олди.

«НЕФТЧИ» — «НАСАФ» — 1:1

Футбол бўйича мамлакат чемпионати олий лига командалари навбатдаги тур учрашувларини ўтказди. Фарғонанинг «Нефтчи» командаси ўз майдонида Қаршининг «Насаф» футболчиларини қабул қилиб, дуранг (1:1) натижага эришди. Ушбу дуранг туфайли фарғоналикларнинг мусобақа жадвалидаги ўрни янада ёмонлашди. Кейинги катакда турнир жадвалининг юқорисида бораётган командалар мавқеи билан танишасиз.

ОЛИЙ ЛИГА

		Т	О
1.	«Суғдиёна»	19-8	21
2.	«Пахтакор»	18-7	20
3.	«Навбаҳор»	19-7	19
4.	«Нефтчи»	18-9	17
5.	«Бухоро»	15-8	17

ЖОМОЛУНГМАДА НИМА ГАП?

Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси, мамлакат касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон Ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси ҳамда «Интерпробезнис» корпорацияси томонидан ташкил этилган дунёдаги энг баланд чўққи — Жомолунгмани забт этиш масаласи тугалланай деб қолди. Ҳозирча (9 майгача) альпинистларимиз 8 минг 300 метр масофага кўтарилдилар.

ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Қозоғистонда дзюдо кураши бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва мезбонлардан энг кучли дзюдоги қизлар қатнашдилар. Бизникилардан Марина Михеева, Шоира Тошпўлатова, Сузанна Аҳмедовалар совринли ўринларни эгалладилар.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Норали ОЧИЛОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-021. Тиражи 44.082. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6